2010 йил 9 июнь, чоршанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 111 (11.672)

Баҳоси эркин нархда

## XXI аср садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Президентимиз ташаббуси билан қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтириш мақсадида ўтган йили Асака, Олтинкўл ва Шаҳрихон туманларида замон талаблари асосида олтмишта намунавий уй қурилиши бошланган эди. Қисқа вақтда қад ростлаган, электр тармоқлари, ичимлик суви, табиий газ билан тўлиқ таъминланган, кўрса кўз қувонадиган янги уйлар шу йилнинг май ойида ўз эгаларига топширилди.

● Фарғона шаҳар Аҳмад ал-Фарғоний номидаги маданият ва истироҳат боғида "Меҳнат инсонни улуғлайди" шиори остида меҳнат ярмаркаси ҳамда савдо-кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда ташкилот ва корхоналар, тадбиркорлар, хотин-қизлар ҳамда ёшлар иштирок этди.

● Нукусда Ўзбекистон "Ҳунарманд" уюшмасининг шаҳар бўлими ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2010 йил 30 мартда қабул қилинган "Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони халқимизнинг қадимий анъаналаридан бўлган ҳунармандчиликни ривожлантириш ҳамда мазкур соҳа вакилларини қўллаб-қувватлашда муҳим омил бўлмоқда.

● «Ниҳол» мукофоти учун республика кўрик-танловининг Навоий вилояти босқичи бўлиб ўтди. Унда саралаш босқичида ғолибликни қўлга киритган олтмиш нафар йигит-қиз эстрада, рақс, мусиқа, мумтоз қўшиқчилик ҳамда опера ижрочилиги бўйича ўз иқтидор ва маҳоратини намойиш этди.

● Сирдарё вилояти ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Камалак» болалар ташкилоти ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида болалар ҳафталиги ўтказилди. Тадбирга Меҳрибонлик ва Мурувват уйлари, Гулистондаги "Болалар шаҳарчаси" тарбияланувчилари, махсус мактаб-интернат ўқувчилари, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари жалб этилди.

### ЖАҲОНДА

● Мексика кўрфазида нефть платформаси ҳалокати туфайли юзага келган улкан «доғ» маҳаллий экология тизимига ўта зарарли таъсир кўрсатяпти. Бу ҳақда «Corriere della Sera» нашрида италиялик биолог Романо Паноттанинг мақоласи чоп этилди.

● Дунёдаги энг катта орол —Гренландиянинг аксарият қисми қалинлиги салкам икки километрга тенг муз билан қопланган. Ҳар йили музлик эриб бориши туфайли оролнинг қуруқлик қисмига бўладиган босим ҳам камайиб бораяпти. Ўз навбатида, бу орол сатҳининг кўтарилишига олиб келмоқда.

● Тель-Авив университетида ўтказилган изланиш тамаки маҳсулотларига ружу қўйган ёшларнинг ақлий салоҳияти чекмайдиган тенгдошларига нисбатан паст эканини кўрсатди. 18-21 ёш оралиғида кўнгиллилар жалб этилган мазкур тадқиқот якунида чекишнинг миясига зарари яна бир карра ўз исботини топди.

● «Нэйче» илмий нашрида Юпитер билан номаълум жисм тўқнашгани ҳақида ахборот эълон қилинди. Манбада айтилишича, самовий жисм сайёрага урилганида Юпитернинг жанубий ярим шарида оқ рангдаги учқун кузатилган. Ҳозир олимлар тинимсиз равишда кузатув олиб борилаётганига қарамай, ушбу жисмнинг нима эканини аниқ айта олишмаяпти.

● Кеча Люксембургда Европа Иттифоқига аъзо давлатлар молия вазирлари учрашиб, еврони барқарорлаштириш жамғармасини ташкил этиш бўйича дастлабки келишувга эришдилар. Бу ҳақдаги сўнгги қарор шу ойнинг охирида кўриб чиқилади.

● Мексика кўрфазида рўй берган экологик ҳалокатнинг олдини олишга қаратилган ҳаракатлар дастлабки натижасини бера бошлади. Сўнгги маълумотларга қараганда, «British Petroleum» компанияси кўп уринишлардан кейин кунига сувга чиқиб кетаётган 11 минг баррель нефтни ушлаб қолишга муваффақ бўлаяпти.

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



### Иқтисодиёт

## ХАЛҚАРО АНДОЗАЛАРГА МОС

**Бугунги кунда яратилган имкониятлар боис кўплаб турдаги маҳсулотларнинг ўзимизда тайёрланаётгани иқтисодиётимиз ривожида муҳим аҳамият касб этиб, харидорларимиз талабини ҳам қондираётир.**

«Махсусполимердренаж» тажриба корхонаси негизида ташкил этилган «Maxsuspolimerdrenaj» масъулияти чекланган жамиятида ҳам ана шундай талабларга мос маҳсулотлар тайёрлаш ва уларни буюртмачиларга вақтида етказиб бериш йўлга қўйилган.

Ишлаб чиқариш жараёнига Германиянинг таниқли «Battenfeld» ва «Drossbach» фирмалари технологияси жорий этилган бўлиб, маҳсулотлар сифат менежменти тизимининг ISO 9001-2000 халқаро стандарт талаблари даражасида сертификатланган. Замонавий техника ва технологиялар асосида тайёрланаётган сув ва газ қувурлари, қувурлар учун боғловчи деталлар, фильтрлар, томчилаб суғоришга мўлжалланган қувурлар кўплаб соҳаларда қўл келиб, узоқ вақт хизмат қилиш билан алоҳида ажралиб туради. Полиэтилен ва пластмасса қувурларининг хизмат кўрсатиш муддати 50-80 йилга мўлжалланган.

«Maxsuspolimerdrenaj» МЧЖ томонидан айни пайтда кўплаб корхона, ташкилот ва муассасаларнинг буюртмалари бажарилаётир. Маҳсулот сифатига қаратилган эътибор эса буюртмаларнинг ортишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу боис ҳам корхонада йилдан йилга ишлаб чиқариш ҳажми ортиб бормоқда, янги маҳсулот турларини яратиш устида ҳам изланишлар давом этаётир.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**Козим Ўлмасов олган сурат**

## ЎЗБЕКИСТОН — ЖАНУБИЙ КОРЕЯ: ИШБИЛАРМОНЛАР МУЛОҚОТИ

**Пойтахтимизда 8 июнь куни Ўзбекистон-Жанубий Корея ишбилармонлар кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ҳамда Корея Республикаси Таълим ва иқтисодиёт вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Кичик ва ўрта бизнес федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбир икки томонлама савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларига бағишланди. Унда Ўзбекистон ва Жанубий Кореянинг ташқи иқтисодий алоқалар, сармоя, ёқилғи-энергетика, машинасозлик, геология ва минерал ресурслар, авиасозлик, қурилиш, кимё каби соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири Элёр Ғаниев, Корея Республикаси таълим ва иқтисодиёт вазири Чой Кёнг Хван мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик изчил мустаҳкамланиб бораётганини алоҳида таъкидлади. Хусусан, Президент Ислом Каримовнинг жорий йил февраль ойида Корея Республикасига давлат ташрифи ўзаро муносабатларни янги мазмун билан бойитди. Мазкур ташриф асносида кўплаб соҳаларда, жумладан, иқтисодий йўналишда ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган қатор келишувларга эришилди.

Иқтисодий соҳада мамлакатларимиз ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинган. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2009 йили 8,2 фоиз ошди. Ўзбекистонда кореялик ҳамкорлар билан ташкил этилган 359 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимизда Жанубий Кореянинг 84 та компанияси ўз ваколатхонасини очган. Улар машинасозлик, савдо, кимё, озиқ-овқат, енгил саноат, металлни қайта ишлаш, фармацевтика, сайёҳлик, хизмат кўрсатиш каби соҳаларда иш юритаётир.

Анжуманда Жанубий Кореянинг бир неча фирма ва компанияларидан кўплаб вакиллар иштирок этгани Ўзбекистондаги иқтисодий барқарорлик ва қулай сармоявий муҳит уларнинг ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришга эътиборини кучайтираётганидан далолатдир.

Мажлисда кореялик ишбилармонларга мамлакатимиз иқтисодиётига сармоя жалб қилишнинг устувор йўналишлари, Ўзбекистоннинг нефть-газ, автомобилсозлик, авиасозлик, кончилик, металлургия, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби соҳалардаги салоҳияти ҳақида батафсил маълумот берилди. Меҳмонлар юртимизда давом этаётган хусусийлаштириш жараёни, иқтисодиётни ривожлантириш йўлида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ўзгаришлар, "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасидаги қулайликлар, имконият ва имтиёзлар билан атрофлича таништирилди.

- Ўзбекистон – иқтисодиёти изчил ривожланаётган мамлакат, – деди Чой Кёнг Хван. - Биз ўзаро ҳамкорликни юксак қадрлаймиз. Мамлакатларимиз ўртасида икки томонлама манфаатли муносабатлар қарор топган, савдо-иқтисодий ҳамкорлик жадал ривожланмоқда. Дунёда молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётганига қарамай, мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми муттасил ошиб бораётгани бунинг ёрқин далилидир. Ўзбекистонда хорижлик ишбилармонларнинг муваффақиятли иш юритиши учун барча шароит, имконият ва имтиёзлар яратилгани ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон ва Корея Республикаси ишбилармонлари ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Иштирокчилар ўзаро муносабатларни ривожлантириш, биргаликда икки томон учун ҳам манфаатли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари юзасидан фикрлашиб олдилар.

**Мадина УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири**

## ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР — БУТУН ДУНЁГА

**Парижда – Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКО ҳузуридаги доимий ваколатхонасида "iPhone" телекоммуникация тизимида иш бошлаган махсус «UZ UNESCO» саҳифасининг тақдимоти бўлиб ўтди.**

Тадбирда Франциянинг расмий, ижтимоий ва маданий доиралари, дипломатия корпуслари вакиллари, ЮНЕСКО ҳамда Париж шаҳрида аккредитациядан ўтган бошқа халқаро ташкилотлар раҳбарлари иштирок этишди.

Тақдимот иштирокчиларига халқаро ҳамжамиятни юртимизнинг бой маънавий ва маданий-тарихий мероси, мамлакат раҳбарияти томонидан турли соҳаларни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар ҳамда бугунги Ўзбекистоннинг асосий ривожланиш анъаналари билан кенг таништириш мақсадида ишга туширилган «UZ UNESCO» лойиҳаси ҳақида маълумот берилди.

"iPhone" дастурининг инглиз тилида ташкил этилган ҳамда «Apple» компанияси томонидан расмий тасдиқланган ушбу саҳифаси "Янгиликлар", "Ўзбекистон", "ЮНЕСКО ҳузуридаги Ўзбекистон делегацияси", "Санъат ва маданият", "Галерея", "ЮНЕСКО" каби бир неча бўлимлардан иборат. Саҳифа орқали шунингдек Ўзбекистоннинг сайёҳлик имкониятлари ҳамда Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива каби тарихий шаҳарлари ҳақида ҳикоя қилувчи видео лавҳалардан баҳраманд бўлиш мумкин.

«Connecting» компанияси директорининг техника масалалари бўйича ўринбосари М.Трояннинг фикрича, дунёнинг исталган мамлакатидан туриб Ўзбекистон ҳақидаги маълумотларни бевосита олиш ва хорижий сайёҳларнинг виза учун анкеталарни онлайн тизимида тўлдириш имкониятлари мавжуд бўлган алоҳида бўлимга эга янги саҳифанинг ишга туширилиши муҳим аҳамият касб этувчи тадбир саналади. У шунингдек Ўзбекистоннинг доимий ваколатхонаси ЮНЕСКОга аъзо давлатлар доимий ваколатхоналари орасида биринчи бўлиб «UZ UNESCO» каби халқаро лойиҳани яратгани ва Ўзбекистонга сайёҳлар оқимининг янада кўпроқ жалб этилишига ўзининг салмоқли улушини қўшаётганини қайд этди.

- Ўзининг бой тарихига эга экани билан бирга Буюк Ипак йўлининг йирик чорраҳаси саналган Ўзбекистон бугун туризм саноатида замонавий ва истиқболли марказлардан бири ҳисобланади. Шу маънода «UZ UNESCO» каби лойиҳаларнинг амалга оширилиши ушбу соҳанинг янада ривожланишига хизмат қилади, - деди «Tutti Quanti Communication» туристик компанияси бош директори Ж.-Ж.Гюя.

**«Жаҳон» АА, Париж**

## ИШОНЧ ЁРЛИҒИ ТОПШИРИЛДИ

**Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Зиядулла Пўлатходжаев Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведевга ишонч ёрлиғини топширди.**

Ишонч ёрлиғини топшириш маросими чоғида Россия Федерацияси раҳбари Ўзбекистон-Россия ҳамкорлиги ривожининг бугунги ҳолати ва истиқболини ижобий баҳолади.

Россия Президенти Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг яқинда Россия Федерациясига амалга оширган ташрифи ва унинг натижасида имзоланишга эришилган келишувлар ушбу алоқаларга янгича ривожланиш суръатини бахш этганини таъкидлади.

Дмитрий Медведев ШҲТнинг Тошкентда бўлиб ўтажак саммити чоғида икки томонлама ва минтақавий сиёсатнинг долзарб масалалари бўйича ўзаро ишончга асосланган мулоқотларнинг давом этишига умид билдирди.

**«Жаҳон» АА**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **ТОШКЕНТ** марказий темирйўл вокзалида КЕЧА «Гулбаҳор» болалар соғломлаштириш оромгоҳида дам олиш учун Қорақалпоғистондан келаётган 220 нафар болани кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.

✓ **КЕЧА «ART FLEX»** нашриёти ва «Китоб дунёси» газетаси таҳририяти ҳамкорлигида «Ҳайвонлар ҳақида эртаклар» туркумидаги китоблар асосида яратилган «Аудио-эртак» жамламасининг тақдимоти ўтказилди.

✓ **2-РЕСПУБЛИКА** тиббиёт коллежида ўқувчилар, ўқитувчилар, ҳуқуқшунослар, Шайхонтоҳур тумани фаоллари, «Тахтапул» маҳалла фуқаролар йиғини вакиллари иштирокида ўтказилган давра суҳбатида маънавий-ахлоқий тарбия масалалари ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

✓ **ТОШКЕНТ** Давлат шарқшунослик институтида 14 июнь — Халқаро донорлар куни муносабати билан «Мен ҳам донор бўла оламан» шиори остида тадбир уюштирилди.

Анжуманлар

# СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

**Куни кеча Адлия вазирлигида суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотларнинг узвийлигини янада мустаҳкамлаш мақсадида қабул қилинган «Суд экспертизаси тўғрисида»ги Қонуннинг мазмун-моҳиятига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.**



Мазкур қонун суд-экспертлик фаолиятини тартибга соладиган, суд эксперти ва унинг хулосасининг мустақиллигини таъминлайдиган ягона ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштиришда, экспертлик тадқиқотларининг халқаро стандартларга мослаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

«Суд экспертизаси тўғрисида»ги Қонунда илк бор суд-экспертлик фаолияти тушунчаси, унинг тамойиллари, шу жумладан суд экспертининг мустақиллиги ва унинг холислиги билан боғлиқ долзарб масалалар тартибга солинган. Мазкур қонун 5 та боб ва 34 та моддадан иборат бўлиб, суд экспертининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, фаолиятнинг молиявий, ташкилий, илмий-услубий ва ахборот билан таъминланиш масалаларини ўз ичига олган.

Вазирлик ташаббуси билан ўтказилган матбуот анжуманида республика суд экспертизаси маркази мутахассислари, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари иштирок этди.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

**СУРАТДА: мулоқотлар анжумандан сўнг ҳам давом этди.**

**Козим Ўлмасов олган сурат**

Иқтисодиёт

# СИФАТЛИ ҚУРИЛИШ АШЁЛАРИ

**Бугунги кунда ишлаб чиқаришни ривожлантириш, маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш, бу борада ишчи-хизматчиларни моддий рағбатлантириш ҳар бир жамоада муваффақиятлар омили бўлмоқда.**

«Potolok-story-servis» ҳам шундай корхоналар сирасига киради. Маҳаллийлаштириш дастури асосида бу ерда гипсдан 20 турдаги шифт учун плиталар ишлаб чиқарилмоқда.

— Кичик корхоналар ва хусусий бизнес субъектларини ривожлантиришни рағбатлантиришга қаратилган эътибор боис биз ҳам изчил фаолият юритишга эришмоқдамиз, — дейди корхона раҳбари Шавкат Исманов. — Яқин орада Хитойдан замонавий технология келтириб, маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобига ёшларга қўшимча иш ўринлари яратишни мақсад қилганмиз. Ушбу лойиҳа устида айни пайтда қизғин тайёргарлик кетмоқда.

Бунёдкорликда қўлланиладиган плиталар мижозлар талаб-эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда турли ҳажмларда ишлаб чиқарилмоқда. Муҳими, маҳаллий хом ашёдан фойдаланиб, илғор технологиялар асосида тайёрланаётган қурилиш ашёлари импорт ўрнини босиши баробарида, четдан келтириладиган худди шундай товарлардан бирмунча арзонлиги билан афзалдир.

Корхонада ички бозорни чуқур ўрганган ҳолда асосий эътибор маҳсулот сифатига, буюртмаларни ўз муддатида бажаришга қаратилаётир. «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» тамғаси билан экспорт қилиш масаласи ҳам корхонанинг устувор вазифаларига киради.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

# РАҚОБАТ МУҲИТИ ОМИЛЛАРИ

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда эркин рақобат муҳитини яратиш ҳам алоҳида аҳамият касб этади.**

Жаҳоннинг барча мамлакатларида кичик бизнес субъектлари иқтисодиётнинг пойдевори ҳисобланади. Ялпи миллий маҳсулотнинг ўсиш суръатлари ҳал қилувчи даражада айнан уларга боғлиқ. Қолаверса, аслида аҳолининг фаровонлик даражаси ҳам унинг қанчалик ривожланганлиги билан белгиланади. Бу борада мамлакатимиз Президенти таъкидлаганидек, «нисбатан барқарор ва бозор конъюктураси ўзгаришларига тез мослашувчан, янги иш ўринлари яратиш имконини берадиган кичик бизнесни жадал ривожлантириш масаласини ҳал этиш бизнинг шароитимизда ҳамон муҳим аҳамиятга молик масала бўлиб қолмоқда».

Экспертлар ҳар бир мамлакатнинг тадбиркорлик иқлими ҳақида, биринчи навбатда, кичик бизнес соҳасидаги ишларнинг ҳолати бўйича мулоҳаза юритади. Таъкидланишича, кичик бизнес иқтисодиёт барометри ҳисобланади. Ташқи сармоядорлар у ёки бу иқтисодиётга сармояларни инвестициялаш ҳақидаги қарорни қабул қилишдан аввал кичик ва хусусий бизнеснинг ривожланганлик даражасини мажбурий тартибда ўрганиши ҳам тасодиф эмас. Уларнинг фикрига кўра, бу иқтисодий ислоҳотларнинг кўзгуда акс эттирилиши, бозор иқтисодиёти жараёнлари барқарорлигининг кафолати ҳисобланади.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда ҳам кичик бизнес салоҳиятини оширишга кенг йўл берилган, бу борада рағбат масаласи алоҳида ўрин тутади.

Яхши маълумки, ҳар қандай тадбиркорлик маълум бир ҳудудда — мамлакат, вилоят, шаҳар ёки қишлоқ миқёсида олиб борилади, самараси эса ривожланиш учун яратилган шароитга боғлиқ. Айрим ҳудудлар миқёсида бундай муҳит ишбилармонлик вазифасини амалга оширишни мужассамлантирган. Умумий ҳолда эса тадбиркорлик муҳити ҳуқуқий, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий — тўртта омилнинг ўзаро боғлиқлиги натижасида амалга оширилади.

Ҳуқуқий омил тадбиркорлик фаолиятини юритиш йўлидаги барча қонунлар ва йўриқномалар мажмуи бўлиб, тадбиркорлик фаолиятини тартибга солади ҳамда тадбиркорнинг иқтисодий жараёндаги бошқа субъектлар билан муносабатини акс эттиради. Сиёсий омил тадбиркорлик жараёнларига давлатнинг муносабатини белгилаб беради. Ижтимоий омил эса нисбатан анча мураккаб ҳисобланади. Агарда тадбиркор бу борада муҳим элементларни эътиборга олмаса, келгусида салбий оқибатлар юзага келиши мумкин. Иқтисодий омил бозордаги рақобатни ва нарх-наво ҳолатини ўзида акс эттиради.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мазкур омиллар бизнес вакиллари фаолиятида аксини топсагина, уларнинг маҳсулотлари ва хизматлари бемалол рақобатлаша олади.

**Сардор АҲМЕДОВ,**
**Тошкент молия институти талабаси**

Тадбиркорлик

# АҲОЛИ ДАСТУРХОНИГА

**Ҳамюртларимиз дастурхонини безашда, айниқса тўй ва тантаналарга файз бағишлашда, харидор талаб ҳамда эҳтиёжларини қондиришда тадбиркорлик билан иш юритаётган қандолатпазларнинг ҳиссаси катта, албатта.**



Уларнинг мамлакатимизда тадбиркорлик ривожига қаратилган эътибордан руҳланиб фаолият кўрсатаётгани кутилганидек самара бермоқдаки, бу маҳсулот турлари ортишида, рақобатбардошлиги таъминланишида яққол кўзга ташланмоқда. Қадоқланишига қаратилган алоҳида эътибор ҳам харидорларни жалб этиб, буюртмалар кўпайишида аҳамият касб этмоқда.

«Sveetlano Maguc» масъулияти чекланган жамиятида ҳам ҳозирги кунда 12 нафар малакали қандолатчи меҳнат қилиб, уларнинг саъй-ҳаракатлари билан 30 турдан зиёд қандолат маҳсулотлари тайёрланяпти.

— Кичик цехимиз Туркиядан келтирилган ускуналар билан жиҳозланган, — дейди корхона директори Фотима Турсунхўжаева. — Қандолат маҳсулотларимизни шартнома асосида кўплаб савдо шохобчаларига етказиб берамиз. Сўлим «Чинобод» санаторийси ҳам асосий буюртмачиларимиз сирасига киради. Қандолатчиларимиз Хуршида Аҳмедова, Шоҳида Абдураҳмонова, Фотима Жалиловаларни алоҳида айтиб ўтиш жоиз. Уларнинг изланишлари кун сайин янгиланиб бораётган ва харидорларга манзур бўлаётган маҳсулотларимизда кўринмоқда.

Корхона раҳбарининг ўзи маҳсулотлар дизайнини яратишда бошқош бўлади. У Президент соврини учун ўтказилган «Ташаббус-2010» кўрик-танловининг Юнусобод тумани босқичида фаол иштирок этиб, «Энг яхши тадбиркор аёл» номинацияси совриндори бўлди.

**Шарофат БАҲРОМОВА**

**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат**

**Аҳоли бандлигини таъминлашда касаначилик алоҳида ўрин тутади. Бу борада кооперация тизими фаоллашиб бораётгани авваламбор қўшимча иш ўринларини яратишга асос бўлаётир.**

# КАСАНАЧИЛИК — ФАРОВОНЛИК ГАРОВИ

Мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, изчиллик билан амалга оширилаётган Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида амалга оширилган чора-тадбирлар самарадорлиги ҳақида гапирганда, уларнинг энг муҳим масала — янги иш ўринларини яратиш, аҳолининг турмуш даражасини янада оширишга йўналтирилганини алоҳида қайд этиш зарур.

Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси томонидан бу борада олиб борилаётган ишлар кўлами ҳам талай. Аҳоли бандлигини ошириш мақсадида яратилаётган иш ўринларининг бир қисми уй меҳнатининг барча шакллари, жумладан касаначиликни ривожлантириш ҳисобига ташкил этилаётир.

Бектемир тумани бандликка кўмаклашиш маркази маълумотларига кўра, жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида 200 нафарга яқин киши касаначилик асосида ишга жойлашган. Уларнинг эллик нафардан ортиғи ҳудуддаги «Қуюв механика заводи», «Дўстлик транссервис», «Нур эл бизнес», «Фулонг идустриал» корхоналарида меҳнат қилмоқда.

Учтепа туманида ҳам бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган йилда 130 нафардан зиёд киши касаначилик асосида даромад топиш имконига эга бўлди.

— Туманда еттита йирик саноат корхонаси, икки ярим мингга яқин кичик субъектлар фаолият кўрсатмоқда, — дейди туман бандликка кўмаклашиш маркази раҳбари Тозагул Акрамова. — Айни вақтда уларда кўплаб аҳоли касаначилик асосида меҳнат қилмоқда. Масалан, «Зарафшон қандолатчи» ва «Нбс бизнес траде» масъулияти чекланган жамиятлари 70 нафардан кўпроқ киши билан бу борада меҳнат шартномаларини тузган.

Умуман шаҳримиз ишлаб чиқариш корхоналарида касаначилик асосида меҳнат қилаётган юзлаб хотин-қизлар уй-рўзғор юмушларидан ажралмаган ҳолда қўшимча даромад топиш имконига эга бўлаётир.

Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасидан олинган маълумотларга кўра, 2009 йили етти минг саккиз юз нафардан ортиқ фуқаро касаначилик асосида ишга жойлаштирилган.

Касаначилик фаолияти аҳолининг иш билан банд бўлмаган қисмини ишлаб чиқаришга кенг жалб этиш, оила бюджети даромадларини кўпайтириш имконини бермоқда. Меҳнатнинг бу усули айниқса хотин-қизларни қобилият ва қизиқишидан келиб чиқиб, ҳунармандчиликнинг турли соҳаларига йўналтиришда, кўп болали аёлларни барқарор даромад билан таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Айни вақтда шартнома асосида меҳнат қилаётган уй бекаларига меҳнат дафтарчаси очилмоқда. Улар қатор имтиёзлардан фойдаланмоқда. Касаначилик аҳоли даромадларини кўпайтириш билан бирга саноат корхоналари фаолиятининг самарадорлигини оширишда ҳам яхши самара бераётир.

Президентимиз ташаббуси билан касаначилик ривожлантирилиб, бу борада яратилаётган қулайликлардан ишчилар беҳад мамнун. Бандлик даражасини оширишга қаратилган бундай чора-тадбирлар инқироз шароитида аҳолини ишончли ҳимоя қилиш, унинг даромади ва моддий фаровонлигини ошириш имконини таъминлайди.

**Жамшид АБДУЛЛАЕВ,**
**Жамшид ҲАМРОЕВ**

# ЁШ ТЕЛЕЖУРНАЛИСТЛАР СЕМИНАРИ

**Пойтахтимизда замонавий ахборот дастурларини яратишда медиа-технологиялардан самарали фойдаланиш амалиётига бағишланган амалий-техник семинар якунланди.**

Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Германиянинг Конрад Аденауэр жамғармасининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда ҳудудий нодавлат телестанциялар, "UzNTT", "TV-Markaz" телеканаллари, "Uz Report" ахборот агентлигининг ахборот ва янгилик дастурларини тайёрловчи ёш журналистлари, тасвирчи, видеомонтаж усталари билан бирга россиялик мутахассислар ҳам иштирок этди.

Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида оммавий ахборот воситаларини, жумладан, босма ва электрон медиа тизимини фаол қўллаб-қувватлаш, уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур техник, ташкилий, моддий шароит яратиш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Миллий медиа маконида нодавлат босма ва электрон оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Жамиятимизда кечаётган ислоҳотларнинг мазмунини халқимизга тезкор ва холис етказишда мазкур тармоқ ахборот-янгилик дастурлари ижодкорларининг ҳам ҳиссаси катта бўлаётир. Жадал ўзгариб бораётган ҳозирги даврда ахборот-янгилик жанридаги телематериалларнинг ранг-баранглигини таъминлаш, ташкилий-техник сифати, савиясини янада ошириш, соҳада фаолият кўрсатаётган тележурналист, тасвирчи ва монтаж усталарининг билим ва кўникмалари, ижодий салоҳиятини янада юксалтириш муҳим аҳамиятга эга.

Бир ҳафта давом этган семинарда иштирокчилар ахборот-янгилик дастурларини тайёрлаш бўйича жаҳон тажрибаси, дунёнинг етакчи телеканалларида қўлланилаётган илғор услуб ва технологиялар билан атрофлича таништирилди.

– Ўзбекистонда телеканаллар ишининг юксак даражада йўлга қўйилганига гувоҳ бўлдик, – дейди россиялик телемонтаж режиссёри ва оператори Алексей Ершов. – Айни пайтда нодавлат электрон медиа тармоқ ривожига ҳам катта эътибор қаратилаётгани диққатга сазовор. Жумладан, нодавлат телеканалларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга доир чора-тадбирлар, журналистларнинг ижодий ва техник кўникмаларини уйғунлаштириш ишлари бунинг тасдиғидир.

Семинар иштирокчилари «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, «Янги авлод» болалар ижодиёти маркази, «Uzbekistan today» газетаси, «UzNTT» телеканали ва Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фондида синов тасвирга олиш ишларини ўтказди. Машғулотлар давомида ёш журналистлар тайёрлаган телематериаллар малакали мутахассислар томонидан таҳлил этилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

# ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ — 2010

## КИМ ЧЕМПИОН БЎЛАРКИН?

**Ниҳоят икки йилдан кўпроқ вақт давом этган саралаш мусобақалари якунланиб, жорий йил 11 июнь-11июль кунлари Жанубий Африка Республикасида бўлиб ўтадиган XIX жаҳон чемпионати қатнашчилари аниқланди.**



Албатта, саралаш тўсиқларидан ўтиш ҳатто кўпчилик кучли жамоалар учун ҳам осон кечмади. Ҳозирда жаҳондаги энг кучли мураббийлардан бири саналаётган голландиялик Гус Хиддинк ҳам Россия терма жамоасини саралаш мусобақаларининг сўнгги ўтиш босқичидан олиб чиқа олмади. Таркибида Андрей Аршавиндек жаҳонда донг таратган моҳир ҳужумчиси бор Россия термасининг Словениядек жамоадан енгилиши ҳам ажабланарлидир. Украина терма жамоаси ҳам охирги тўсиқда қоқилган бўлса, 2004 йилги Европа чемпиони Греция футболчиларининг айнан сўнгги босқичда омади чопганлигини ҳам айтиш мумкин. Шунингдек, Европанинг Бельгия, Польша, Туркия, Болгария, Австрия, Швеция, Жанубий Американинг Перу, Осиёнинг Саудия Арабистони, Эрон, Африкадан Сенегал, Тунис, Миср каби турли қитъаларнинг кўплаб кучли терма жамоалари жаҳон чемпионатида қатнаша олмаётганлиги ҳам ушбу турнирнинг нуфузи тобора ошиб бораётгани, унда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун эски анъаналару кечаги ғалабалар эмас, балки замонавий тактикаю майдонда жамоанинг соат механизмидай аниқ ва тартибли ҳаракат қилиши талаб этилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, XXI аср футболи нафақат Европа ва Жанубий Америка, балки Осиё ҳамда Африкада ҳам спортнинг ушбу турининг жадал ривожланиб бориши билан тавсифланади. Зеро, 2002 йилги жаҳон чемпионати илк бор Осиёда — Япония ва Жанубий Кореяда ўтказилиб, мазкур чемпионатда Корея футболчилари ярим финалда қатнашган дастлабки Осиё жамоаси бўлса, Сенегал чорак финалда иштирок этган иккинчи Африка терма жамоаси эди.

Ниҳоят, навбатдаги XIX жаҳон чемпионати Африка қитъасига ҳам етиб келди ва буни Африка футболининг мавқеи кейинги пайтларда тобора ўсиб бораётганлигига ФИФА томонидан берилган холис баҳо дея тавсифлаш мумкин. Футбол ишқибозларига шуни ҳам эслатиб ўтишимиз мумкинки, Жанубий Африка Республикаси ҳатто 2006 йилги чемпионатни ҳам қабул қилиши мумкин эди. Бунга фақат ўшанда ЖАРнинг Германиядан битта овоз кам олганлиги тўсиқ бўлганди.

2004 йил 15 май ЖАР учун унутилмас тарихий кун ҳисобланади. Айнан шу куни ФИФА президенти Йозеф Блаттер яширин овоз берилган бюллетенларни олганида Жанубий Африка Республикаси Миср, Ливия, Марокаш ва Тунис каби қитъа мамлакатларини ортда қолдириб жаҳон чемпионатига мезбон бўлиш ҳуқуқини қўлга киритди. Ўйлаймизки, замонавий стадионлару халқаро даражадаги инфратузилмага эга Йоханнесбург, Кейптаун, Претория, Полокване, Рюстенбург, Блумфонтейн, Порт-Элизабет, Дурбан, Нелсирейт каби шаҳарларда навбатдаги жаҳон чемпионати ўйинлари мисоли байрамдек кўтаринки руҳда ўтади.

2009 йил 5 декабрда эса Кейптаун шаҳрида XIX жаҳон чемпионати финал босқичига қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди.



Бу гал ҳам улкан футбол фестивалида 32 мамлакат терма жамоалари 8 та гуруҳга бўлингани ҳолда 11 июндан 11 июлгача— роппа-роса бир ой давом этадиган жаҳон чемпионатида ғалаба учун кураш олиб боради. Яъни, қуръа ташлаш маросими натижаларига кўра «А» гуруҳидан ЖАР, Мексика, Уругвай, Франция, «В» гуруҳидан Аргентина, Нигерия, Жанубий Корея, Греция, «С» гуруҳидан Англия, АҚШ, Жазоир, Словения, «D» гуруҳидан Австралия, Германия, Гана, Сербия, «Е» гуруҳидан Голландия, Япония, Дания, Камерун, «F» гуруҳидан Словакия, Италия, Парагвай, Янги Зеландия, «G» гуруҳидан КХДР, Бразилия, Кот-д' Ивуар, Португалия ҳамда «Н» гуруҳидан Испания, Чили, Швейцария ва Гондурас терма жамоалари ўрин олди.

Жаҳон чемпионати 11 июнда Йоханнесбургдаги «Соккер-Сити» стадионида ЖАР — Мексика ўйини билан очилади.

Гуруҳдаги ўйинлар 11 июндан 25 июнгача давом этса, ушбу беллашувларда 1 ва 2-ўринларни олган жамоалар 26-29 июнь кунлари нимчорак финалда баҳс юритадилар. 1/4 финал баҳслари эса 6, 7 июль кунлари бўлиб ўтади.

Финал беллашуви ҳам Йоханнесбургдаги «Соккер-Сити» стадионида ўтказилади.

Бу галги жаҳон чемпионатининг мукофот жамғармаси 420 миллион АҚШ долларини ташкил этади ва бу ЖЧ-2006 нинг мукофот пулидан 61 фоизга кўпдир. Ушбу жамғармадан 30 миллион доллар жаҳон чемпионига, 24 миллиони эса финалчига ажратилади. Чемпионатда охирги ўринни банд этадиган терма жамоа ҳам камида 9 миллион долларлик мукофот пулига эга бўлади. Бундан ташқари, ўйинчилари терма жамоа сафларида жаҳон чемпионатида иштирок этаётган клублар ҳам қўшимча равишда 40 миллион долларни бўлиб олишади.

Албатта, ҳар бир йирик футбол мусобақаси арафасида олдиндан тахмин қилувчи букмекерларнинг қўллари-қўлларига тегмайди. Бу гал ҳам улар ўз башоратларини билдирдилар. Жумладан, Буюк Британиядаги букмекерлик идоралари Европа чемпиони Испанияни жаҳон чемпионатида ҳам ғолиб чиқади, дея эътироф этмоқдалар. Улар иккинчи ўринга жуда кучли таркибга эга Англия термасини, учинчи ўринга эса Бразилия жамоасини лойиқ кўрдилар.

Букмекерлар Испания терма жамоаси ҳужум чизиғининг асосини ташкил этадиган Фернандо Торрес ҳамда Давид Вильяни чемпионатнинг энг сермаҳсул тўпурарлари бўлади, дея тахмин қилмоқдалар.

Маълумки, Германиянинг «Адидас» компанияси 1970 йилги жаҳон чемпионатидан бошлаб ҳар бир турнир учун янги расмий тўпларни тайёрлаб келади. Бу гал ҳам ФИФА томонидан «Адидас» компаниясининг 2010 йилги жаҳон чемпионати учун расмий тўпининг тақдимоти ўтказилди. Янги тўп «Жабулани» (Jabulani) деб номланиб, уни Йозеф Блаттер, Франц Бекенбауэр ва Дэвид Бекхэмлар синовдан ўтказишди.

«Жабулани»ни тайёрлашда янги технологиялардан фойдаланилган бўлиб, у қатор афзалликларга эга. Чунончи, ушбу тўп учаётганида йўналишини деярли ўзгартирмайди, дарвозабонлар эса об-ҳавонинг қандайлигидан қатъи назар, уни ушлашда қийналмайдилар.

Юқорида қандай кучли терма жамоалар жаҳон чемпионатига йўлланма ололмаганлиги ҳақида фикр юритгандик. Чемпионат иштирокчиларига назар ташлайдиган бўлсак, ниҳоятда кучли жамоаларнинг кўплигини ҳам кўрамиз. Масалан, Диего Марадона бош мураббийлик қилаётган Аргентина, нечанчи бор мамлакатдан кучли мураббий топилмаётгани учун италиялик Фабио Капелло бошчилик қилаётган Англия, Криштиану Роналду тўп сураётган Португалия, таркибини моҳир ёш футболчилар билан тўлдирган Франция, доимо охиригача кураш олиб борувчи Германия, шубҳасиз, бугунги кунда энг кучли таркиблардан бирига эга Испания, мустаҳкам ҳимоя ва барқарор ҳужум чизиғига эга амалдаги жаҳон чемпиони Италия, ҳар бир чемпионатда фақат ғалаба учун кураш олиб борадиган Бразилия терма жамоаларини ғолибликка даъвогарлар сафига киритишимиз мумкин. Балки Испания ёки Португалия тимсолида янги жаҳон чемпиони пайдо бўлар? Энг қувонарлиси, аввалги чемпионатда умидбахш ўйин кўрсатиб, мутахассислар эътиборига тушган Гана ва Кот-д' Ивуар терма жамоалари ушбу чемпионатда ҳам қатнашмоқдалар ва ҳар қандай кучли рақибга панд бериш уларнинг қўлларидан келади. Нигерия ва Камерун терма жамоалари ҳам жаҳон чемпионатларида иштирок этиш ҳадисини олганлар. Аргентиналик Лионел Месси, Англия вакили Уэйн Руни ва Стивен Жеррард, испаниялик Фернандо Торрес, Бразилия термасидан Кака, Кот-д' Ивуар вакили, жуда ажойиб спорт формасида бўлган Дидье Дрогба, Криштиану Роналду (Португалия), Самюэль Это'О (Камерун), Лукаш Подольски (Германия), Андреа Пирло (Италия), Тьерри Анри ва Франк Рибери (Франция) каби футболчиларнинг чемпионатнинг энг ёрқин ўйинчилари қаторидан ўрин олишлари учун барча имкониятлари етарли. Ҳар нима бўлганда ҳам, албатта чемпионатда янги юлдузларнинг кашф этилиши шубҳасиз.

Шунга ишончимиз комилки, Жанубий Африка Республикасининг замонавий яшил майдонларида курраи заминдаги миллиардлаб футбол ишқибозлари дилларини шод этадиган кўплаб бетакрор футбол спектаклларининг гувоҳи бўламиз.

**Дилшод ИСРОИЛОВ**

# ТУРНИР ЖАДВАЛИ

**Футбол мухлислари орзиқиб кутган онлар етиб келди. Икки кундан сўнг Жанубий Африка Республикасида футбол бўйича XIX жаҳон чемпионати бошланади. Жаҳон чемпионати учрашувлари мамлакатнинг 9 та шаҳрида — Йоханнесбург, Порт-Элизабет, Кейптаун, Дурбан, Рюстенбург, Блумфонтейн, Претория, Нелсирейт, Полокваненинг кўркам стадионларида ўтказилади. Курраи заминнинг 32 та мамлакати терма жамоалари 8 гуруҳга бўлинган ҳолда ғолиблик учун баҳс олиб боради. Қуйида гуруҳлардаги терма жамоалар рўйхати ва учрашувлар тақвими эълон қилинмоқда.**

| № | А гуруҳи | 1 | 2 | 3 | 4 | Т | О |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | ЖАР | | | | | | |
| 2 | Мексика | | | | | | |
| 3 | Уругвай | | | | | | |
| 4 | Франция | | | | | | |

**11.06** ЖАР — Мексика
**11.06** Уругвай — Франция
**16.06** ЖАР — Уругвай
**17.06** Франция — Мексика
**22.06** Франция — ЖАР
**22.06** Мексика — Уругвай

| № | В гуруҳи | 1 | 2 | 3 | 4 | Т | О |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Аргентина | | | | | | |
| 2 | Жанубий Корея | | | | | | |
| 3 | Нигерия | | | | | | |
| 4 | Греция | | | | | | |

**12.06** Аргентина — Нигерия
**12.06** Жанубий Корея — Греция
**17.06** Греция — Нигерия
**17.06** Аргентина — Жанубий Корея
**22.06** Греция — Аргентина
**22.06** Нигерия — Жанубий Корея

| № | С гуруҳи | 1 | 2 | 3 | 4 | Т | О |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Англия | | | | | | |
| 2 | АҚШ | | | | | | |
| 3 | Жазоир | | | | | | |
| 4 | Словения | | | | | | |

**12.06** Англия — АҚШ
**13.06** Жазоир — Словения
**18.06** Словения — АҚШ
**18.06** Англия — Жазоир
**23.06** Словения — Англия
**23.06** АҚШ — Жазоир

| № | D гуруҳи | 1 | 2 | 3 | 4 | Т | О |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Германия | | | | | | |
| 2 | Австралия | | | | | | |
| 3 | Гана | | | | | | |
| 4 | Сербия | | | | | | |

**13.06** Германия — Австралия
**13.06** Сербия — Гана
**18.06** Германия — Сербия
**18.06** Гана — Австралия
**23.06** Австралия — Сербия
**23.06** Гана — Германия

| № | Е гуруҳи | 1 | 2 | 3 | 4 | Т | О |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Голландия | | | | | | |
| 2 | Япония | | | | | | |
| 3 | Камерун | | | | | | |
| 4 | Дания | | | | | | |

**14.06** Голландия — Дания
**14.06** Япония — Камерун
**19.06** Голландия — Япония
**19.06** Камерун — Дания
**24.06** Камерун — Голландия
**24.06** Дания — Япония

| № | F гуруҳи | 1 | 2 | 3 | 4 | Т | О |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Италия | | | | | | |
| 2 | Янги Зеландия | | | | | | |
| 3 | Парагвай | | | | | | |
| 4 | Словакия | | | | | | |

**14.06** Италия — Парагвай
**15.06** Янги Зеландия — Словакия
**20.06** Парагвай — Словакия
**20.06** Италия — Янги Зеландия
**24.06** Парагвай — Янги Зеландия
**24.06** Словакия — Италия

| № | G гуруҳи | 1 | 2 | 3 | 4 | Т | О |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Бразилия | | | | | | |
| 2 | КХДР | | | | | | |
| 3 | Кот-д'Ивуар | | | | | | |
| 4 | Португалия | | | | | | |

**15.06** Кот-д'Ивуар — Португалия
**15.06** Бразилия — КХДР
**20.06** Бразилия — Кот-д'Ивуар
**21.06** Португалия — КХДР
**25.06** КХДР — Кот-д'Ивуар
**25.06** Португалия — Бразилия

| № | Н гуруҳи | 1 | 2 | 3 | 4 | Т | О |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Испания | | | | | | |
| 2 | Гондурас | | | | | | |
| 3 | Чили | | | | | | |
| 4 | Швейцария | | | | | | |

**16.06** Гондурас — Чили
**16.06** Испания — Швейцария
**21.06** Чили — Швейцария
**21.06** Испания — Гондурас
**25.06** Чили — Испания
**25.06** Швейцария — Гондурас

**1/8 финал**
**49.**26.06 A1 — B2
**50.**26.06 C1 —D2
**51**. 27.06 D1 — C2
**52.**27.06 B1 — A2
**53.**28.06 E1 — F2
**54.**28.06 G1 — H2
**55.**29.06 F1 — E2
**56.**29.06 H1 —G2

**1/4 финал**
**57.**2.07 53 — 54 ўйинлар ғолиби
**58.** 2.07 49 — 50 ўйинлар ғолиби
**59.** 3.07 51 — 52 ўйинлар ғолиби
**60.**3.07 55 — 56 ўйинлар ғолиби

**1/2 финал**
**61.** 6.07 57 — 58 ўйинлар ғолиби
**62.** 7.07 59-60 ўйинлар ғолиби

**3-ўрин учун**
**63.** 10.07 61-62 ўйинлар мағлуби

**Финал**
**64.** 11.07 61-62 ўйинлар ғолиби

## 2010 йил – Баркамол авлод йили

# КИТОБЛАРИМИЗНИНГ ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФИ

**Жорий йилнинг 3-4 июнь кунлари Москва шаҳрида бўлиб ўтган "Китобат санъати" анъанавий халқаро кўрик-танловида МДҲ мамлакатларидан бир юз олтмишга яқин китоб, альбом, маърифий-бадиий адабиёт намуналари томошабинлар эътиборига ҳавола этилди.**

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида матбаа соҳасини жадал ривожлантириш, замон талаби даражасида жиҳозланган корхоналарни ишга тушириш, бу йўналишдаги халқаро ҳамкорликни кучайтириш, хорижий сармояларни жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Матбаа корхоналари, нашриёт-матбаа ижодий уйларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, мутахассисларнинг касб малакаси ва маҳоратини янада оширишга оид кенг кўламли ишлар бунинг ёрқин далилидир.

Бундай эътибор ва ғамхўрлик самарасида, матбаа корхоналаримиз ўз маҳсулотлари билан халқаро китоб ярмаркалари, кўрик-танловларда муваффақиятли иштирок этмоқда.

Москвада ўтган «Китобат санъати» анъанавий халқаро кўрик-танловида юртимизнинг етакчи нашриётларида чоп этилган китоблар, суратли альбомларнинг совринли ўринларга сазовор бўлгани бунинг тасдиғидир.Ноширлик соҳасидаги ушбу йирик анжуманга тақдим этилган китобларни таҳлил этиш ва баҳолашда уларнинг мавзуси, замонавий дизайни, безатилиши, қоғоз ва бошқа матбаа кўрсаткичларининг сифати, давр талабига ҳамоҳанглиги каби тамойилларга асосий мезон сифатида ёндошилди.

Танловда «Маънавият» нашриётида Ўзбекистон Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон бўлими билан ҳамкорликда нашрга тайёрланган «Қорақалпоқ фольклори» альбом-китоби «Ҳамдўстлик» номинациясида биринчи ўринга лойиқ топилди. Айни пайтда мазкур нашриётда чоп этилган «Ўзбекистон табиати» китоб-альбоми, Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйининг «Жониворлар харитаси. Ўқувчилар учун», «Менинг энг биринчи энциклопедиям», «Болалар боғчаси учун севимли эртаклар» китоблар туркуми, «Санъат» журнали нашриётининг «Ўзбек тасвирий санъати анталогияси» китоб-альбоми турли номинациялар бўйича учинчи ўринга лойиқ топилди.

«Ўқитувчи» нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан тайёрланган «Бобурнома. Миниатюралар» китоб-альбоми кўрик-танловда рағбатлантирувчи соврин билан тақдирланди.

# ЁШЛАР ВА ЭКОЛОГИК ТАРБИЯ

**Ўзбекистон экологик ҳаракати томонидан аҳолининг экологик маданиятини юксалтиришга бағишланган тадбир ташкил этилди. Унда олимлар, мутахассислар ва ўқувчи-ёшлар иштирок этди.**

Ўзбекистон экологик ҳаракати марказий кенгаши ижроия қўмитаси раиси Б.Алихонов, халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Б.Дониёров ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли, айниқса, ёш авлоднинг экологик маданиятини юксалтириш юзасидан олиб борилаётган изчил ишлар юксак самара бераётганини таъкидлади. Бу борада қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар ижросини таъминлаш, табиат муҳофазасига оид қонунчиликни такомиллаштириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Ёшлар орасида экологик маданиятни шакллантириш, уларнинг қалбида табиатга меҳр уйғотишда оила ва таълим муассасалари ҳамкорлиги яхши натижалар бераётир. Ўзбекистон экологик ҳаракати томонидан навқирон авлоднинг экологияга оид билимини бойитиш мақсадида кўплаб тадбирлар- концертлар, иншо ва расмлар кўрик-танловлари, боғ яратиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ акциялар мунтазам ўтказилмоқда.

"Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида Халқ таълими вазирлиги ҳамда "Тонг юлдузи" газетаси ҳамкорлигида мактаб ўқувчилари ўртасида эълон қилинган "Онажоним, табиат" республика иншолар танловига тўрт юздан зиёд ижодий иш келди.

Танловда биринчи ўрин Жиззах шаҳридаги 11-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси М.Файзуллаевага, иккинчи ўрин Наманган вилоятидаги 3-умумтаълим мактабининг 6-синф ўқувчиси Г.Тошназаровага, учинчи ўрин эса Жиззах вилоятидаги 59-умумтаълим мактабининг 8-синф ўқувчиси Ш.Шарофийга насиб қилди.

Тадбир доирасида "Булоқча" болалар экологик журнали нишона сонининг тақдимоти бўлди. Эстрада хонандалари ва ижрочи ёшлар концерти намойиш этилди.

**(ЎзА)**





# ХАЙРЛИ ТАШАББУС

**Мустақиллигимизнинг илк кунларидан бошлаб Президентимиз раҳнамолигида ўсиб келаётган авлодни ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом, теран тафаккур эгаси бўлиб вояга етиши йўлида кенг қамровли саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.**

Баркамол авлод йили муносабати билан Тошкент Автомобиль ва йўллар институти томонидан «Ўзбекистон — Қирғизистон» дўстлик жамияти ҳамкорлигида «Ҳар бир фарзандга — меҳр-эътибор» шиори остида 30-меҳрибонлик уйида хайрия тадбири ўтказилди. Викторина ўйинларида иштирок этиб, кроссвордлар, ребуслар ва бошқотирмаларни тез ва тўғри ечиш бўйича ҳам талабалар ва болажонлар беллашди. Институтнинг «Замин» фольклор гуруҳи ва 30-меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ижросидаги концерт дастури йиғилганлар қалбига хушкайфият улашди.

Тадбир якунида меҳрибонлик уйига спорт анжомлари, кийимлар, китоблар совға қилинди.

**Дилором ИКРОМОВА**
**СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар**

## Спорт

**Келажагимиз тимсоли — ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши учун давлатимиз томонидан кўплаб имкониятлар яратилган. Мустақиллигимиз шарофати билан спорт турлари кенг ривожлантирилди ва ўз ўрнида мамлакатимиз байроғини юксакларга кўтараётган ёш спортчилар сони кўпайди.**

# ШИЖОАТГА ТЎЛА ҚАЛБЛАР



Шундай ёшлардан бири Саидаҳрор Аҳмедов 216-мактабда биринчи устози Озода Ғозихўжаева қўлида таълим олиши билан бир қаторда «Азамат-Карим» спорт клубига шотакан каратэ-до бўйича машғулотларга қатнай бошлади. Мураббий Ҳожамқул Ҳожақулов ёш спортчини синовдан ўтказганда, унинг кучга, шижоатга тўла ва ҳаракатчанлигини сезди ва спортнинг барча сир-асрорларини ўргата бошлади. Тажрибали мураббийнинг меҳнати зое кетмади ва тез орада ўз самарасини берди. Беш йил мобайнида Саидаҳрор машқ қилишдан чарчамади ва илк марта катта мусобақада 2001 йилда каратэ бўйича Ўзбекистон чемпионатида қатнашиб, учинчи ўринни эгаллади. Саидаҳрорнинг ўзига бўлган ишончи ортиб, ўз устида астойдил ишлашни давом эттирди. Ўша йилнинг ўзида халқаро турнирда якка тартибда «Kumite» мусобақасида қатнашиб, биринчи ўринни қўлга киритди. «Азамат-Карим» спорт клубининг кубогида ҳам қатнашиб, биринчи ўринга сазовор бўлди. Ўшанда Саидаҳрор эндигина 11 ёшда эди. Кейинчалик ҳам кўплаб мусобақаларда янги марраларни қўлга киритди.

Саидаҳрор фақат спорт соҳаси билан чекланиб қолмади. Айни пайтда Тошкент ирригация ва мелиорация институтида таҳсил олмоқда. Келажакда сув хўжалиги мелиорацияси соҳасининг етук мутахассиси бўлишни мақсад қилган. Илм сабоқларини аъло ўзлаштириш билан бирга Саидаҳрор шотокан каратэ-до бўйича бўлиб ўтадиган галдаги Ўзбекистон чемпионатида қатнашиш учун тайёргарлик кўрмоқда. Ёш спортчи замон билан ҳамнафас бўлишга интилади ва бўш вақтларида интернет сайтларидан фойдаланиб, янгиликлар топишга ҳаракат қилади. Унинг орзулари эса, ҳар бир йигит-қизга хос бўлгани каби, бисёр. Шижоатли ёшларимиз сафи кенгайиб боравер-син.

**Гулчеҳра НИЯТОВА,**
**Тошкент ирригация ва мелиорация институти кафедра ассистенти**

# ЕНГИЛ АТЛЕТИКАЧИЛАРИМИЗ ЮТУҒИ

**Ўзбекистонлик спортчилар Халқаро енгил атлетика ассоциацияси (IAAF) мусобақалари тақвимига киритилган Гран-при туркумидаги нуфузли турнирларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқда.**

Хитой Тайпейида ўтказилган мусобақада тажрибали спортчимиз Гўзал Хуббиева юз метрга югуриш бўйича олтин медални қўлга киритди. Узунликка сакрашда Александра Котлярова биринчи ўринни эгаллаган бўлса, баландликка сакрашда Светлана Радзивил ва 800 метрга югуришда Анна Сидорова кумуш медалга сазовор бўлди.

Ҳиндистонда ўтказилган навбатдаги турнирда эса ҳамюртларимиз ўз кўрсаткичларини янада яхшилади. Г.Хуббиева юз метрни яна биринчи бўлиб босиб ўтди. А.Котлярова бу гал уч ҳатлаб сакрашда, С.Радзивил баландликка сакрашда энг юқори натижани қайд этиб, мусобақа ғолиби бўлди.

**(ЎзА)**

# ТЕННИСЧИЛАРИМИЗ ҒАЛАБАСИ

**Ўзбекистоннинг энг кучли теннисчиси Денис Истомин Лондонда (Буюк Британия) ўтказилаётган Профессионал теннисчилар уюшмаси (АТР) тақвимига киритилган «AEGON Championships-2010» халқаро турнирини муваффақиятли бошлади.**

Мусобақанинг биринчи босқичида моҳир теннисчимиз мезбонлар вакили Жейми Бейкерни 6:1, 6:4 ҳисобида мағлубиятга учратди ва кейинги босқичга йўлланма олди.

Қозоғистонда Халқаро теннис федерацияси (ITF) томонидан ўсмирлар ва қизлар ўртасида ўтказилаётган халқаро турнирда эса яна бир ҳамюртимиз Темур Хабибулин мезбонлар вакили Жаслан Омаровни 6:1, 6:1 ҳисобида енгди. Қизлар ўртасидаги баҳсда ўзбекистонлик Анна Арустамян қозоғистонлик Юлия Бротгалдан 2:6, 6:4, 6:3 ҳисобида устун келди.

Қирғизистонда ташкил этилган ўсмирлар халқаро турнирида Шерзод Акрамов биринчи даврада мезбонлардан Карим Имомхўжаев устидан 6:0, 6:1 ҳисобида зафар қучган бўлса, умидли спортчиларимиздан Рената Красно-ва қирғизистонлик Эрика Тенизбоевадан 6:0, 3:6 ҳисобида устун келди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**

# Ўз-ўз ўрганиш доно бўлур

**Маҳмуд ТОИР,**
**Ўзбекистон халқ шоири**

## ИККИЛИКЛАР

Ўғлинг бор, қизинг бор,
насибанг бутун,
Набиранг улғайган
умрингга устун.
* * *
Қуёш чиқар, қуёш ботар
Ҳақ ҳукми-ла,
Қўл оч инсон, сен
қуёшнинг умрин тила.
* * *
Бу сўзни айтган, рост,
қай бир машойих,
Ҳурматни билмоқ ҳам,
ҳурматга лойиқ.
* * *
Савол бер, тагида
савоби бўлсин,
Дилга ҳикмат солар
жавоби бўлсин.
* * *
Мақтандинг, демакки,
ўзни билмайсан,
Ҳали айтиш керак сўзни
билмайсан.
* * *
Саломатсан, саломингда
садо бор,
Ўздан ортсанг ўзгаларга
вафо бор.
* * *
Қабоғингда қор кўрдим,
сидиришга қўлим йўқ,
Билсанг-ку, аё дўст, сенга
борар йўлим йўқ.
* * *
Бир мирига бир-бирин
тириклайин ейдилар,
Қўлдан кетган молингга
ачинмагин дейдилар.
* * *
Ишонч — кўксингдаги
қудратнинг тоғи,
Қўлингдан тушмасин унинг
чироғи.
* * *
Гумон — жон чимчилар
алдамчи алам,
Аксар юзи шувут
гумондор одам.
* * *
Кўксингда ўчмаса ишқ
алангаси,
Демак сен бахтнинг
олтин тангаси.
* * *
Шоҳаншоҳ шод бўлар ҳар
адолатдан,
Эл эса балқийди бу саодатдан.
* * *
Онангга салом бер —
саодати бор,
Отангга салом бер —
ибодати бор.
* * *
Ғийбат бошингдаги
бузуқ ҳаводир,
Бунда нафас олмоқ
жонга жазодир.

(Давоми бор)


## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ қуйидаги кўчмас мулк аукцион савдосидан олинганлигини маълум қилади:** Чилонзор тумани СИБ томонидан тақдим қилиниб, "Тошкент оқшоми" газетасининг 26.04.2010 йилдаги № 79 (11.640)-сонида ҳамда «Частный сектор» газетасининг 29.04.2010 йилдаги № 17 (755)-сонида чоп этилган хабарнома билан аукцион савдосига чиқарилган, Тошкент шаҳар Яккасарой тумани, Х.Умаров кўчаси автобус бекатида жойлашган савдо мажмуаси аукцион савдосидан олинди. **Асос:** Чилонзор туман суд ижрочилари бўлимининг 2010 йил 01 июндаги 01-21437/10-сонли хати. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz.

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»**

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.**


## Қатралар

### ДЎСТЛИК ИПИ

Қуёшнинг зарҳал нурларидек ҳаётга йўғрилиб сингиган иплар инсонларнинг кўрки, зебу зийнати. Қоматларда товусдек порлаган кийимлар, матолар — ҳаммаси шу иплардан.

Йиллар ўтар. Чеварлар тўқиган пишиқ гиламу либосларнинг оҳори кетар. Иплари мадорсизланиб, «яшаб бўлдик», дея узилар. Яна янгиси бунёд бўлар ва яна...

Бироқ чароғон умримиз йўлига поёндоз солгувчи яна бир ип борки, унинг оҳори асло тўкилмайди. Булар соф юракларнинг дошқозонида етилади. Чўлларни қувиш, она ер ва гўзаллик ишқи, меҳнат майдонидан бошланур, бу ипларнинг учи. Ҳаёт тўлқинларидан чидами ошиб, жилоланиб товланур. Туҳматларга сира бўй эгмайди. Билъакс, таранг тортилиб, ҳар толаси бир-бирига чийралиб пишади.

Пўлат трослар, йўғон занжирлар ҳам метин қўллар-ла оддий ипдек узилур. Бу иплар унинг акси. Ҳар толаси юксак онг, ақлнинг чарақлаган нуридир. Куч ўрамининг бекиёслиги шундадир бу ипларнинг. Ўрамлар доимо дилларни дилларга пайванд қилиш хизматида.

Бу ипларнинг баҳоси юксак одамийлик қимматига тенг.

Бу қалбларни қалбларга улаган дўстлик ипидир.

### КЎПРИК

Сўлим қишлоқларнинг кумуш белбоғи анҳору чўллар зар камари каналлар азим дарёларга қурилган кўприклар эл-юрт хизматига камарбаста, воҳадан воҳага, қитъадан қитъага йўл — камар ташлаб, кунлаб, босилгувчи одимларни бир қадамга келтиргудек...

Мазмун кўлами бундан ҳам зиёда, олам уфқи қадар кенг кўприклар бор яна. Ҳажми машҳур Амазонка кўприги олдида бир писта пўчоғи, ундан минг марта кўп яхшилик карвонига йўл беради. Муҳаббат, Вафо байроғини ҳилпиратиб, Висол боғига шодланиб ошиқади. Садоқат, ҳалоллик олтинларини кўтариб, шахдам одимлайди. Диёри азиз, тупроғи зар, она зотини оламга устун қилмоқ ишқида ёнган меҳрлар баҳор гулларидек товланиб ўтади бу кўприкдан.

Карвонларнинг «мол-дунёси» олдида олтиннинг қадри бир сариқ чақалик. «Дунёси»нинг қадр зиёси чеҳраларга анор ранги, дилларга шодлик, юртга ободлик, қут улашур, аҳиллик уруғларини сочур, умрларга барака мўмиё-асилдек хуш таъм — хушвақтлик берур.

Ёмон юкли карвонларга йўл бермас асло бу кўприк. Кўприк бошидаги саботнинг ҳушёрлигидан, иғвонинг тоши чилпарчин, макр пичоғининг дами қайтадур.

Шундай метиндир адолат қуввати. Ҳақиқат ашёларидан қурилиб дилларни тилларга боғлаган кўприкдир бу.

Виждон кўприги деб атаймиз уни.

**Ғани АБДУЛЛАЕВ**




МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
5617 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1 2 3 5

Буюртма Г- 506

Топширилган вақти: 15.40